# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 7 октябрь, № 218 (8280) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ОРҚАЛИ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ – УСТУВОР ВАЗИФА

**Президент Шавкат Мирзиёев қишлоқ хўжалигидаги ишлар ҳолати, аҳоли ҳаёти билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Сирдарё вилоятида бўлди.**



Бу йил вилоятнинг 75 минг гектар майдонида пахта етиштирилди. Айни пайтда қарийб 80 минг гектар ерга ғалла экилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Сирдарё туманидаги “Арслон бобо” ва “Омонбой ўғли Тугал” фермер хўжаликлари даласини кўздан кечирди.

“Арслон бобо” фермер хўжалигининг ер майдони 90 гектар бўлиб, бу йил ғалладан 80 центнердан ҳосил олинган. Ҳозир пахта терими авжида. Шунингдек, картошка, мош, сабзи, пиёз каби такрорий экинлар ҳам етиштирилиб, бозорга қўшимча маҳсулот чиқарилмоқда.

“Омонбой ўғли Тугал” фермер хўжалиги 62 гектарда деҳқончилик қилади. Бу ерда ҳам ғалла ҳосилдорлиги 80 центнер бўлган. Кўсак сони ва теримнинг боришига қараганда, пахтанинг ҳам “чўғи баланд”.

Бу қўшни хўжаликларда ерлар лазерли ускуна ёрдамида текислангани натижасида сув аввалгига нисбатан 30 — 40 фоиз тежалмоқда, суғориш вақти ҳам қисқарган. Насослар қуёш панеллари қувватида ишлайди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида дала четларига тут, ток, қоратол ва бошқа кўчатлар экилган.

Президентимиз шу ерда сирдарёлик фермерлар, нуронийлар билан суҳбатлашди.

**— Халқимиз “меҳр кўзда” деганидек, сизлар билан кўришиб, ҳорманглар деб келдим, — деди Шавкат Мирзиёев. — Адолатли ҳакам бўлса, айтиш мумкинки, Сирдарёда ҳам ўзгариш бўляпти. Лекин замон шундай шиддат билан ўтяптики, одамларнинг ниятлари илгарилаб кетяпти. Шунга яраша шароит яратиш, халқимиз талабини қондириш учун янги-янги режалар қилишимиз керак. Бугун азиз Сирдарё аҳлига раҳмат айтиш билан бирга, эришилаётган натижалар бардавом бўлиши учун, туманларнинг, одамларнинг бири икки бўлиши учун зарур йўналишларни белгилагани келдик.**

Фермерлар қишлоқ хўжалигида имкониятлар кенгайиб, манфаатдорлик ошгани, мажбурий меҳнат тугатилгани, қўшимча маҳсулотлар етиштирилаётганини айтишди.

**— Ер — халқимиз ризқ-рўзи манбаи. Бир пайтлар пахта майдонидан бир гектар ажратиш жиноят эди, такрорий экин эккан таъқиб қилинарди. Мана, ҳозир 80 минг гектар пахта ва ғалла майдонларини аҳолига бердик, ҳали яна берамиз. Улардан олинган маҳсулот ҳам халқимизники-ку. Бозорга маҳсулот, оилаларга даромад бўлади-ку. Бугун республикадан келган раҳбарлар ва ҳокимлар яна 7,5 минг гектар ер ажратилса, Сирдарё вилоятида ишсизликни йўқ қилиш бўйича таклиф беряпти. Мен буни, албатта, қўллаб-қувватладим, — деди Президент.**

Давлатимиз раҳбари шу ерда деҳқончилик қилаётган ёшлар билан ҳам суҳбатлашди. Улар мазкур фермер хўжаликлари даласидан 0,5 гектардан ер олиб, мош, сабзи, пиёз, саримсоқпиёз етиштираётганини сўзлаб беришди. Бундан олган даромади ҳисобидан университетда ўқиш, уйини бутлаш режаларини маълум қилишди.

Президентимиз Сайхунобод туманидаги “Шукроналик мўъжизалари” фермер хўжалиги даласида ҳам бўлди.

Хўжаликнинг умумий ер майдони 70 гектар. Жорий йилда 25 гектарга пахта, 45 гектарга ғалла экилди. Ҳосилдорлик меҳнатга яраша — юқори.

Мамлакатимизда қайси маҳсулот кўпроқ даромад келтирса, ўшани экишга эътибор ортаётгани ҳам қишлоқ хўжалигида яхши самара бермоқда. Бу фермер хўжалиги ҳам ғалладан бўшаган майдондан яхши даромад олади. Хусусан, бу йил 45 гектар майдонга такрорий экин сифатида мош экилган. Хўжалик фаолияти билан танишув чоғида ушбу экинни етиштириш бўйича чет эл тажрибасини ўрганиш, ҳосилдорликни ошириш учун илмий асосланган ёндашувларни қўллаш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари ва мутасаддилари билан мулоқот бўлди. Давлатимиз раҳбари инновация ва нав эвазига ҳосилдорликни ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш ва ҳисобини юритиш зарурлигини таъкидлади.

Иш фаолияти давомида муносиб яшаш ва меҳнат шароитига эга бўлиш самарадорликни оширади. Бу қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам муҳим саналади.

Президент миришкорлар, хусусан, фермерларнинг кўп вақти далада ўтишига эътибор қаратди. Шуни инобатга олиб фермер ва унинг оиласи, ишчилар учун далада ихчам уйчалар ташкил этиш таклифини берди. Бундай ихчам уйлар электр билан таъминланиши, яшаш учун барча шароитларга эга бўлиши кераклигини айтди.

Мазкур уйлар мавсумий бўлмаслиги, фермер истаган пайти — тўрт фаслда ҳам ишдан ортган пайти йўл босиб уйига бормасдан, шу ернинг ўзида бир оз ҳордиқ чиқара оладиган жой бўлиши лозимлиги таъкидланди. Мутасаддиларга бундай уйларни ташкил қилишда нималарга эътибор қаратиш зарурлиги, фермерлар учун бу борада кам фоизли кредитлар ажратилиши лозимлиги ҳақида топшириқлар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Сайхунобод туманидаги “Политекс Сирдарё” пахта-тўқимачилик кластери корхонасини бориб кўрди.

Илгари Сайхунобод туманида саноат умуман йўқ эди, фақат пахта экиларди. Қишлоқ хўжалигидаги янгиланишлар, кластер тизими натижасида бу ерда ҳам саноат пайдо бўлди. Ҳозир биргина пахтадан ип, калава, мато, тайёр кийимлар, чигитдан ёғ, совун, озуқа ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Хусусан, “Политекс Сирдарё” кластерининг тўқимачилик корхонасида ҳам калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Германия технологияси келтириб ўрнатилиб, 700 та иш ўрни яратилган. Корхонанинг йиллик қуввати 7 минг тонна бўлиб, жорий йилнинг ўтган даврида Хитой, Туркия ва Бангладеш давлатларига 2,5 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган.

Шунингдек, кластер қошида йилига 30 минг тонна ёғ-мой тайёрлайдиган корхона ҳам мавжуд. Унда 100 нафар аҳоли бандлиги таъминланган.

Давлатимиз раҳбари “Политекс Сирдарё” кластерининг тўқимачилик корхонасида калава ип ишлаб чиқариш жараёни билан танишди, ишчилар билан мулоқот қилди.

Шу ерда Сирдарё вилояти тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намойиш этилди. Бугунги кунда вилоятда 9 та пахта-тўқимачилик кластери фаолият кўрсатмоқда. Бу йил 268 минг тонна пахта хомашёси етиштириш режалаштирилган. Унинг юз фоизи ҳудуднинг ўзида қайта ишланади.

Президентимиз оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам суҳбатлашди.

**— Бугун Сирдарёга келишдан асосий мақсадимиз – вилоятни аҳолиси тўлиқ иш билан таъминланган ҳудудга айлантириш мезонларини белгилаш, — деди Шавкат Мирзиёев. — Биринчи мезон, Сирдарё шароитида, бу — ер. Кластер эгаларининг дунёқараши ўзгаряпти, сифатга ҳаракат қиляпти, даромади ошяпти. Энди улар халқ манфаатига хизмат қилиши керак. Бу манфаат, биринчи навбатда, иш ўрни. Масалан, аҳолига деҳқончилик учун ер ажратиш орқали 100 минг иш ўрни яратиш мўлжалланяпти. Иккинчидан, бу ерларга нима даромадли бўлса, шуни экиш бўйича эркинлик берилади. Ким бозорни тушуниб, кўпроқ меҳнат қилса, накд даромад олади. Яна бир муҳим томони, агар Сирдарё вилоятида ишсизликни тугата олсак, бу бошқа ҳудудлар учун намуна бўлади.**

Сайхунобод туманида Сирдарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йиғилиш ўтказилди.

Унда асосий эътибор иш жойларини кўпайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масалаларига қаратилди.

Сирдарё вилоятида 35 минг нафар ишсиз, 42 минг нафар чет элга ишга кетганлар бор. Меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни ҳам ҳисобга олиб, 100 минг иш ўрни яратиш зарур. Бунинг учун пахта майдонлари қисқартирилиб, бу ерлар аҳолига бўлиб берилиши қайд этилди.

Бироқ бу қисқариш ўрнини ҳосилдорликни 2-3 баравар ошириш ҳисобидан қоплаш, Пахтачилик кенгаши ва олимлар билан ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Озиқ-овқат етиштирувчи деҳқонларнинг кредити учун қўшимча 300 миллиард сўм ажратилмоқда. Энди деҳқонлар 150 миллион сўмгача гаровсиз кредит олади. Булар келгуси йилда Сирдарё аҳолиси учун 45 минг иш ўрни яратишга замин бўлади.

Шунингдек, 5 минг гектар экин майдонида суғориш тизимини яхшилашга бюджетдан 40 миллиард сўм ажратилади.

Ҳудудда озиқ-овқат маҳсулотлари, чорва ва парранда етиштириш учун жуда катта имкониятлар бор. Шу боис келгуси йилда 1 триллион сўмлик паррандачилик лойиҳаларини амалга ошириш, гўшт ва тухум маҳсулотлари ҳажмини 2 баравар кўпайтириш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Вилоятда 1,7 миллиард долларлик 858 та инвестиция лойиҳалари ҳисобига 20 минг иш ўрни яратиш режалаштирилган.

**— Ҳар куни қайсидир масаланинг ичига кириб, қийин бўлса ҳам маблағини топиб, қарор қилиб беряпмиз. Бугун яна ким масала қўйса, уни ҳам ечиб бераман. Қайси ҳоким ҳисоб-китоб билан аниқ режа қўйиб, ишларни тизимли йўлга қўйса, албатта, натижа бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.**

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ижтимоий соҳани яхшилаш режалари юзасидан ахборот берди.

Шу билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи якунланди.


**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Икром АВВАЛБОЕВ,**
**Шуҳрат СУЯРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**


Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ МДҲНИНГ НОРАСМИЙ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 7 октябрь куни Санкт-Петербург шаҳрида ўтказиладиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг норасмий саммити тадбирларида иштирок этади.**

Тадбир кун тартибига мувофиқ кўп томонлама ҳамкорлик ва минтақавий шерикликнинг долзарб масалаларини кўриб чиқиш кўзда тутилган.

**ЎзА.**

### Нуқтаи назар

## ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ



***Ислоҳотларнинг янги даври бўлмиш охирги беш йилликда пахтадан “сиёсий экин” туси том маънода олиб ташланди. Пахта далаларига сочилиб кетган миллат болалари эгатлардан қайтариб олинди. Уларнинг эгилган боши, тупроққа қоришиб кетган қадр-қиммати қайта тикланди. Пировардида мамлакат халқаро ҳамжамият олдида “болалар меҳнати”, “аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш”, “мажбурий меҳнат” деган таъна-дашномлар, таъбир жоиз бўлса, исноддан қутулиб, турли иқтисодий чекловлардан озод бўлмоқда.***

3-саҳифага қаранг.

### Эксклюзив интервью

## «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ЖАДАЛЛИК БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛДИ»

*Шу йил 3-4 октябрь кунлари бўлиб ўтган олий даражадаги Ўзбекистон — Венгрия саммитида иштирок этган Венгриянинг мамлакатимиздаги элчиси Дьюла Ковач Будапештдан қайтиб келганидан сўнг “Дунё” АА мухбирининг саволларига жавоб берди.*

**— Жаноб элчи, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги замонавий муносабатларнинг бугунги ҳолатини қандай баҳолайсиз ва сизнингча, уларнинг истиқболлари қандай?**

— Аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақида фикр алмашиш имконияти яратилгани учун миннатдорлик билдиришни истар эдим. Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен ўзининг порлоқ келажагини барпо этаётган дўст ўзбек халқига улкан муваффақиятлар тилайман.

Саволингизга жавоб берар эканман, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларга дўстона муносабатлардан ҳам зиёддир, деб таъриф берган бўлар эдим. Биз қардош халқлармиз ва бу алоҳида аҳамиятга эга. Венгрия Ўзбекистонга Марказий Осиё минтақасидаги фавқулодда муҳим шерик сифатида қарайди. 2016 йил биз Тошкентда Венгрия элчихонасини очган эдик, у мана олти йилдан ортиқ вақт давомида муваффақиятли фаолият юритиб келаётир.

Мамлакатларимиз етакчиларининг олий даражадаги ташрифлари ва учрашувлари мунтазамлик касб этган. Шуниси қувонарлики, иқтисодий алоқаларимиз ҳам изчил ривожланмоқда. Буларнинг натижаси ўлароқ, Венгрия Бош вазири Виктор Орбаннинг ўтган йил март ойида Ўзбекистонга буюрган расмий ташрифи чоғида Венгрия — Ўзбекистон муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилди. 2022 йил биз учун айниқса, муҳимдир, чунки бу йил биз дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллигини нишонламоқдамиз.

Венгрия Ўзбекистон билан очиқ мулоқот ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка интилмоқда. Биз мамлакатда бошланган ва ортга қайтмас мазмунга эга иқтисодий ислоҳотларни олқишлаймиз ва уларнинг изчил амалга оширилишини қўллаб-қувватлаймиз. Шунингдек, Ўзбекистоннинг очиқ ташқи сиёсий стратегиясини ва унинг барча мамлакатлар билан яхши муносабатларга йўналтирилганлигини юксак баҳолаймиз.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўтган йил октябрь ойида қайта сайлангани ва кенг қамровли ғалабаси у бошлаган ислоҳотларнинг тўғри эканлигини тасдиқлади. Халқингизни эришилган натижалар билан табриклаймиз ва эълон қилинган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга оширишда ҳамда мамлакатни янада модернизациялашда катта муваффақиятлар тилаймиз.

2

### Мулоқот

## ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ЭКАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Т. Норбоева мамлакатимизга амалий ташриф билан келган ЕХҲТнинг одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус вакили В. Ричи бошчилигидаги делегация билан учрашди.*

*Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон билан ЕХҲТ ўртасида йўлга қўйилган очиқ ва ишончли мулоқотни ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари муҳокама қилинди.*

2

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз учинчи ялпи мажлиси 2022 йил 7 октябрь куни соат 10:00 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенатининг мажлислар залида ўз ишини бошлайди.

Ялпи мажлис видеоконференцалоқа тарзида ўтказилиши режалаштирилган.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилади.

# «ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН МУНОСАБАТЛАРИМИЗ ЖАДАЛЛИК БОСҚИЧИГА КЎТАРИЛДИ»



1 Бугунги кунда Ўзбекистон бозори Венгрия компанияларининг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Бу янада яқинроқ ҳамкорлик учун яхши асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан ўзаро савдо ҳажми деярли уч баробар ошди ва ушбу кўрсаткичларни янада кенгайтиришдан манфаатдормиз. Венгрия ва Ўзбекистон иқтисодиёти бир-бирини тўлдиради ва ривожланиш стратегиялари иқтисодиётни диверсификациялашга кўмаклашади.

Венгрия компаниялари Ўзбекистонда ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишга ҳамда мамлакатнинг барқарор ривожланишига, айниқса, халқаро миқёсда тан олинган ва катта тажрибага эга бўлган соҳаларда ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр. Буларга мисол тариқасида қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, сув хўжалиги, соғлиқни сақлаш ва тиббиёт, молиявий хизматлар ёки сув ресурсларини бошқариш соҳаларини қайд этиш мумкин. Бизда амалга оширилаётган ёки тайёргарлик босқичида бўлган бир нечта қўшма лойиҳалар мавжуд.

Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийярто ҳамраис бўлган Венгрия — Ўзбекистон ҳукуматлараро комиссияси фаолияти ҳамкорлигимиз равнақида муҳим омил бўлмоқда. Ушбу комиссиянинг еттинчи йиғилиши жорий йил 4 май куни Тошкентда бўлиб ўтди. Икки мамлакат ишбилармон доираларининг Венгрия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳам иш олиб бормоқда.

Биз мустаҳкам сиёсий муносабатларимиз ва истиқболли иқтисодий ҳамкорлигимиз ривожланишидан ташқари, маданият, фан ва таълим соҳаларида ҳам халқларимизни бир-бирига боғлайдиган алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдормиз. Венгрия кўп йиллардан буён “Stipendium Hungaricum” давлат дастури доирасида ўзбекистонлик талабаларга мамлакатимиз олий билим юртларида ўқишни давом эттириш имкониятини яратиб келмоқда. Биз таълим муассасалари ўртасида алоқалар ўрнатилишини қўллаб-қувватлаймиз, шу боис ўтган йили Ўзбекистонда олий ўқув юртлари ректорларининг Ўзбекистон — Венгрия биринчи форумини биргаликда ташкил этдик.

Венгрия Туркий давлатлар ташкилотининг кузатувчиси сифатида турли юқори даражадаги профессионал ва экспертлар учрашувларида қатнашмоқда. Будапештда ташкилотнинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда, унда ўтган йили Ўзбекистон вакили биринчилардан бўлиб иш бошлади.

Ўзбекистон билан БМТ, ЕХҲТ ва бошқа халқаро ташкилотлар доирасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқдамиз, индивидуал ташаббусларимизни, аризалар ва муҳим лавозимларга номзодларимизни ўзаро қўллаб-қувватламоқдамиз. Ўзбекистон томони, масалан, БМТ Бош Ассамблеясининг 77-сессияси раиси лавозимига Венгрия номзоди Чаба Кёрешининг сайланишини маъқуллади. Венгрия эса БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) Бош ассамблеяси 25-сессиясининг келгуси йили Самарқандда ўтказилиши учун овоз берди.

**— Жаноб Ковач, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатдаги ислоҳотлар жараёнлари ва халқаро ташаббусларини қандай баҳолайсиз? Улар Венгрияда қандай қабул қилинмоқда?**

— Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги 31 йил мобайнида катта йўлни босиб ўтди. Президент Шавкат Мирзиёев лавозимга киришганидан сўнг амалга оширилган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотлар туфайли мамлакат тубдан ўзгарди, жадал суръатлар билан ривожлана бошлади, энг муҳими, одамларнинг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланди. Айниқса, мамлакатни модернизация қилиш, замонавий технологик ишланмалар билан бир қаторда, миллий анъаналарни авайлаб асрашга жиддий эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқдир.

Ўзбекистон нафақат аҳоли сонининг кўплиги, балки минтақанинг барча давлатлари ва Афғонистон билан чегарадошлиги, шунингдек, улкан иқтисодий салоҳияти билан ҳам Марказий Осиёнинг тан олинган асосий мамлакатига айланди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ташқи сиёсат дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро ташкилотлар билан фаол, мутаносиб ҳамкорликка йўналтирилгани, яхши қўшничилик муносабатлари унинг асосий устувор йўналиши эканлигини юксак қадрлаймиз.

Ўтган йили Президент иккинчи муддатга сайланганидан сўнг эълон қилган Янги Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий мақсадлари юксак эътирофга лойиқ.

Ўзбекистоннинг собит прагматизмини, Марказий Осиё давлатлари билан яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамловчи, шунингдек, дунёнинг барча минтақа ва мамлакатлари, халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилаётган мувозанатли ташқи сиёсати ва иқтисодий дипломатиясини олқишлаймиз.

Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан тартибга солишга эришиш борасидаги саъй-ҳаракатларига, радикализмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий ҳаракатларига катта аҳамият қаратяпмиз.

Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ҳам юксак обрўга эга ва халқаро майдондаги ишончли ҳамкор саналади. Мамлакат нафақат минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда ибратли роль ўйнамоқда, балки глобал муаммоларни ҳал этиш, барқарор ривожланишга эришиш учун минтақадан ташқарида ҳам халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар ва ташаббусларни илгари сурмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Президентини жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда ШҲТ саммити муваффақиятли ўтказилгани билан ҳам табриклаймиз.

**— Элчи жаноблари, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи якунларини қандай баҳолайсиз ва мамлакатларимиз халқларига қандай тилаклар билдиришни истардингиз?**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга ташрифини катта умид ва сабрсизлик билан кутган эдик. Бу унинг Президентликка қайта сайланганидан кейинги Европага биринчи ташрифи бўлгани биз учун жуда муҳим белгидир.

Жаноб Президент Венгрия Президенти Каталин Новак билан учрашди, Бош вазир Виктор Орбан билан тор доирада ва ялпи мажлисда учрашувлар ўтказди. Давлатингиз раҳбари Венгриянинг Ўзбекистонда муҳим ва узоқ муддатли шерик сифатида кўрилишини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти делегацияси таркибига Президент Администрацияси раҳбари Сардор Умурзоқов, Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев, Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси ва яна 4 нафар вазир, шунингдек, ишбилармон доираларнинг етакчи вакиллари киритилгани ҳам икки томонлама музокараларнинг нақадар муҳим эканлигидан далолат беради. Музокаралар кун тартибидан стратегик шерикликни янада ривожлантириш, сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик масалалари жой олди.

Ўзбекистон Президенти Венгриядаги компания ва банклар раҳбарлари билан ҳам учрашди. Ташриф олдидан Венгрия ташқи ишлар ва савдо вазири Петер Сийярто ҳамда Ўзбекистон Бош вазир ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазири Жамшид Хўжаев иштирокида Венгрия — Ўзбекистон бизнес форуми бўлиб ўтди. Унда фармацевтика, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноати, электротехника, машинасозлик, инновациялар, рақамлаштириш ва транспорт каби соҳалар иқтисодий ҳамкорлигимизнинг истиқболли йўналишлари эканлиги қайд этилди.

Ўзаро муносабатларимиз жадал ривожланиш босқичига кирди. Ўзбекистон Президенти Венгрия Президенти Каталин Новакни мамлакатингизга ташриф билан боришга таклиф этгани бунинг тасдиқларидан бири бўлди. Венгрия Бош вазири Виктор Орбан жорий йил ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтадиган Туркий давлатлар ташкилотининг биринчи саммитида иштирок этишини тасдиқлади.

Ўзбекистон Президентининг ташриф давомида ўтказган расмий музокаралари ва ишбилармонлик учрашувлари ўзаро муносабатларимизни янада ривожлантириш учун рағбат бўлиб қолади. Будапештда икки давлат раҳбарияти ўртасида устувор лойиҳаларни молиялаштириш бўйича қўшма жамғарма ташкил этиш тўғрисида аниқ мақсадга йўналтирилган қарор қабул қилинди.

Жуда яхши сиёсий муносабатларга қўшимча сифатида биз иқтисодий алоқаларнинг, туризм, олий таълим ва маданият соҳаларида ўзаро ҳамкорликнинг янада ривожланишини, шунингдек, янги лойиҳалар ишга туширилишини кутмоқдамиз.

Айниқса, Президент жанобларининг Будапештда Ўзбекистоннинг дипломатия ваколатхонасини очиш тўғрисидаги баёнотини олқишлаймиз.

Биз, шунингдек, икки томонлама шартнома-ҳуқуқий заминни ҳам кенгайтирдик: ташриф давомида томонлар 14 та ҳужжатни, Стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолади.

Бундан ташқари, мамлакатимизнинг Ўзбекистондаги элчиси сифатида менга ва рафиқамга кўрсатилаётган меҳрибонлик ва эътибор учун ўзбек халқига ўзимнинг самимий тилакларим ва миннатдорлигимни билдиришни истар эдим. Мен бу ерда ўз Ватанимни намоён этаётганимдан бахтиёрман.

Мамлакатингизнинг тарихий шаҳарлари, қадимий обидаларини зиёрат қилиш, ўзбек халқининг меҳмондўстлигидан баҳраманд бўлиш учун бутун дунёнинг турли бурчакларидан меҳмонлар Ўзбекистонга келаётгани бежиз эмас. Мақсадларингизга эришишингиз йўлида мен сизларга муваффақият, куч-қувват ва мустаҳкам саломатлик тилайман.

**«Дунё» АА.**

## Ўзбекистон — Венгрия:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АЛОҚАЛАРИДА ЯНГИ ДАВР

*Шу йил 3-4 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Венгрияга расмий ташрифи доирасида эришилган натижалар икки давлат ўртасидаги дўстона ва ўзаро манфаатли алоқаларда янги давр бошланганидан дарак берди, десак, айни ҳақиқатдир.*

## Мулоҳаза

Хусусан, Будапешт шаҳридаги Шандор саройида давлатимиз раҳбарининг Венгрия Президенти Каталин Новак хоним билан бўлиб ўтган очиқ ва сермазмун мулоқотида икки давлат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий ва инвестициявий, илмий-техникавий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратилди. Биргина мисол, “Хунгарикум” дастури бўйича олий таълим соҳасида ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш, Ўзбекистонлик олим ва талабалар учун ўқув квоталарини 170 тагача ошириш ҳамда бошқа қатор лойиҳалар юзасидан келишувларга эришилди.

Президентимиз Венгрия Бош вазири Виктор Орбан билан бўлган мулоқотда ҳам икки томонлама товар айирбошлаш қарийб 3 баробар ошгани, эндиликда уни ҳажм ва сифат жиҳатидан қарийб 500 миллион долларгача кўтариш учун барча имконият ва омиллар мавжудлигини таъкидлади ҳамда мамлакатимизнинг Евроиттифоқ “GSP+” аъзоси мақомидан янада самарали фойдаланиш лозимлигига урғу қаратди.

Алоҳида айтиш лозимки, давлатимиз раҳбарининг Венгрия ишбилармон доиралари, йирик корпорация ва компаниялари раҳбарлари билан очиқ ва амалий таклифларга бой мулоқоти келгуси йилларда юртимизга венгриялик инвестор ва тадбиркорларни кенг жалб этишга ҳамда инвестиция лойиҳаларини ва икки томонлама савдо алоқаларини янада жадаллаштиришда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчисининг икки давлат манфаатлари йўлидаги устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшма фонд ташкил этиш, шу жумладан, бу лойиҳаларни саноат кооперацияси механизмлари орқали амалга ошириш ва мамлакатимизда илк бор Венгрия компаниялари учун мўлжалланган алоҳида ва зарур инфратузилма билан таъминланган саноат зонасини яратиш ташаббуслари венгриялик ишбилармонлар ишончини янада мустаҳкамлагани, шубҳасиз.

Шу ўринда Ўзбекистон ва Венгрия иқтисодиёти бир-бирини тўлдириб туриши, икки давлат иқтисодий диверсификация ва саноатининг янгиланиш стратегиялари ўхшашлиги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва келишиб олинган қўшма лойиҳалар муваффақияти учун муҳим омил бўлажагини ҳам қайд этиш зарур.

Ташриф доирасида бўлиб ўтган икки давлат табиркорларининг бизнес форумида эришилган умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллардан зиёд инвестиция ва савдо келишувлари ижросига йўналтирилган комплекс “Йўл харитаси” алоқаларимиз янада самарали бўлишида дастуриламал вазифасини ўташига ишонамиз.

Умуман, ушбу олий даражадаги ташриф икки томонлама манфаатли ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Зотан, икки давлат етакчиларининг сиёсий иродаси, мамлакатларимизнинг улкан салоҳияти, Ўзбекистон ва Венгрия халқлари ўртасидаги кўп асрлик тарихий алоқалар ўзаро ҳамкорликни янги поғонага кўтариш имконини бериши билан янада аҳамиятлидир.

**Равшанбек АЛИМОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси.**

# АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ, ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — МУШТАРАК МАҚСАД

*Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга расмий ташрифи минтақавий ўзаро боғлиқликнинг энг муҳим даврига тўғри келди. Айтиш мумкинки, бу ҳам Ўзбекистоннинг барча хорижий давлатлар билан истисносиз конструктив муносабатлар ўрнатиш сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.*

## Фикр

Венгрия Марказий Европада катта салоҳиятга эга давлат ҳисоблангани ҳолда, кўплаб минтақавий ва халқаро ташкилотларнинг фаол аъзоси ҳамдир. Шу нуқтаи назардан, Венгриянинг Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорлиги биргаликдаги тараққиётга янги суръат бағишлайди. Ушбу ташриф якунлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни амалий жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Ўзбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдизлар, дўстона ришталар бирлаштириб келади. Бугунги кунда эса Венгрия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим шерикларидан бири ҳисобланади. Биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижасида бу шериклик йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда.

Будапешт шаҳрида ўтган олий даражадаги музокаралардан сўнг икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон — Венгрия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришга қаратилган 15 та ҳужжат имзоланди.

Жумладан, кўплаб битимлар ҳамда божхона, адлия, табиат муҳофазаси, боғдорчилик ва иссиқхона хўжалиги, узумчилик, инвестиция соҳаларида меморандумлар имзоланди. Ушбу ташриф доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми имзоланиши ҳам бу борадаги муҳим амалий ишлардан бири бўлди.

Меморандумга асосан, давлатлар ўртасидаги атроф-муҳит соҳасидаги ҳамкорлик бир қатор йўналишларда амалга оширилиши режалаштирилган. Хусусан, ҳаво ва ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва мониторинги, иқлим ўзгариши соҳасидаги ҳамкорлик, иқлим ўзгаришининг атроф-муҳитга ва иқтисодиётнинг потенциал заиф тармоқларига таъсирини таҳлил этиш, қаттиқ маиший чиқиндиларни бошқариш, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича экологик таълим ва тарғибот ишларини ривожлантириш ва бошқа йўналишлар шулар жумласидандир.

Ушбу меморандум икки давлат ўртасида экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро маълумот ва тажриба алмашиш, илмий тадқиқотлар ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва бошқа устувор йўналишларни сифат жиҳатидан янги босқичда янада ривожлантиришда муҳим омил ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбарининг Венгрияга расмий ташрифи ниҳоятда самарали бўлди. Шубҳасиз, икки мамлакат раҳбарлари ўртасидаги конструктив мулоқотнинг давом эттирилиши давлатлараро муносабатларнинг янада ривожланишига хизмат қилади. Қисқача айтганда, ушбу ташриф кўп томонлама алоқаларни кенгайтириш учун янги имкониятлар яратиши билан аҳамиятлидир.

**Муқаддас ТИРКАШЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ТИЗИМИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ЭКАНИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



1 Т. Норбоева мамлакатимизда охирги йилларда одам савдосига қарши курашиш бўйича тизимли ислоҳотлар амалга оширилгани, миллий комиссия фаолиятида бу йўналишда аниқ натижаларга эришилгани ҳамда соҳада мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича халқаро ҳамкор ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари тизимини такомиллаштириш, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, муносиб меҳнат тамойилларини амалиётга татбиқ этиш, одам савдосига қарши курашиш борасида рўёбга чиқарилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди.

Ўз навбатида, В. Ричи Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш тизими юксак даражада эканини, Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислоҳотлар халқаро ҳамжамият томонидан юқори баҳоланишини таъкидлади. Айни чоғда у Ўзбекистон томонининг парламент, ҳукумат ва фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигини кучайтириш ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, ЕХҲТ доирасидаги давлатларнинг одам савдосига қарши курашишга мутасадди давлат ва нодавлат ташкилотлари, парламент ва ҳукумат вакилларига Ўзбекистоннинг мазкур амалий таклифини етказиши ва мазкур ҳамкорликни йўлга қўйиш учун ЕХҲТ томонидан барча зарурий кўмак кўрсатилиши билдирилди.

Учрашув якунида томонлар одам савдосига қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид қатор масалалар юзасидан фикр алмашди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ СОҲАЛАРДА ҲАМКОРЛИКНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ

*Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев “Daewoo Construction Group” компанияси бошқаруви кенгаши раиси Джунг Вон Джу бошчилигидаги делегация билан учрашди.*

## Учрашув

Унда икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш ва кенгайтириш, жумладан, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш юзасидан фикр алмашилди.

“Daewoo Construction Group” компанияси вакиллари Ўзбекистонда инфратузилма ва замонавий уй-жойлар қурилиши, “Smart city” лойиҳаларини амалга ошириш, қайта тикланувчи энергия ва бошқа соҳаларда узоқ муддатли шерикликни йўлга қўйиш ва янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Амалий руҳда кечган мулоқотда томонлар ўзаро манфаатли соҳаларда ҳамкорликни давом эттириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга келишиб олди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚАЙТА МОЛИЯЛАШГА ТЎСИҚ БЎЛУВЧИ ТАЛАБЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси томонидан “Ипотека кредити бозорининг ривожлантирилиши ва кенгайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

## Муҳокама

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг “Ипотека тўғрисида”ги Қонунига онлайн тартибда ёки давлат хизматлари марказига бориш орқали гаров хатини расмийлаштириш ва гаров хати билан боғлиқ бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида ўзгартишлар киритиш таклиф қилинмоқда.

Электрон гаров хати концепциясининг жорий қилиниши гаров хатини расмийлаштириш, уни бериш ва тегишли равишда қайта молиялаш жараёнини соддалаштириш имконини беради.

Шунингдек, томонларга мулк бўйича мавжуд юкламалар ҳақида холис ва аниқ маълумотларга эга бўлиш имкониятини яратади. Бунда самарали қайта молиялашга тўсиқ бўлувчи қонунчилик талаблари бекор қилинади.

Мазкур ўзгартишларнинг қонунчиликка киритилиши аҳолининг ипотека кредитларига бўлган талабларини қондириш орқали уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, капитал бозорини янги инструмент билан тўлдириб, уни янада ривожлантиришга олиб келади.

Муҳокамалар сўнгида қўмита томонидан қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқиш якунлари юзасидан қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҲАВОЛАКИ НОРМАЛАР ЎРНИГА ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ИШЛАЙДИГАН НОРМАЛАР КИРИТИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.*

## Ишчи гуруҳ йиғилиши

Қайд этилганидек, қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан асосий мақсад жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва халқаро шартномалар билан кафолатланган ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда ҳимоя қилиш учун зарур бўлган барқарор ва ишончли давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизимини яратиш, юридик ёрдам олиш ва одил судловга эришишда тенг имкониятлардан фойдаланишни таъминлашдир.

Ушбу ҳужжат 5 та боб, 34 та моддадан иборат. Мазкур қонун лойиҳаси билан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатишнинг тамойиллари, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланмоқда. Шунингдек, фуқароларнинг юридик ёрдам олишга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиладиган ишлар рўйхатига фуқаролик ва маъмурий ишларни киритиш орқали фуқароларнинг бепул юридик ёрдам олиш имкониятлари ҳамда давлат ҳисобидан юридик ёрдам олувчи шахсларнинг доираси кенгайтирилмоқда.

Белгиланаётган нормалар билан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этган ҳолда, давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатларни инсон омилисиз электрон тизим орқали тасодифий танлаш тартиби жорий этилади.

Ишчи гуруҳ йиғилишида қонун лойиҳаси депутатларнинг таклиф ва тавсиялари асосида такомиллаштирилди, лойиҳадаги нормалар амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилди, ҳаволаки нормалар ўрнига тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритилди.

— Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олиш ва ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқлари кафолатларини таъминлашга ҳамда мамлакатнинг тегишли халқаро рейтинглар, шу жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индексидаги ўрнини яхшилашга хизмат қилади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Иномжон Қудратов.

Қонун лойиҳасини маромига етказиш ишлари дам этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

# ХАЛҚПАРВАР СИЁСАТНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

*Ватандан олисда, ўзга юртда ўз халқинг, миллатинг эришган муваффақиятлар ҳақида эшитиш нақадар фахрли ва бу ғурур-ифтихор туйғулари инсонни нечоғли юксакликка кўтаришини ҳис этасан, киши...*

*Гап шундаки, кейинги пайтларда Хитой матбуоти ва электрон оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистонга оид жуда кўплаб материаллар бериляптики, уларни кузатиб чексиз фахр туяман. Мен ишлаётган Хитой технология институтидаги ҳамкасбларим ҳам Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқларни тилга олишганида кўнглим тоғдек юксалади.*



Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити катта муваффақият билан ўтказилганидан кўп ўтмай, жаҳон матбуотида яна бир хушхабар тарқалди: АҚШ Меҳнат вазирлигининг дунёда мажбурий меҳнат билан боғлиқ вазият бўйича "TDA Report" ҳисоботида Ўзбекистон болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлиги бўйича "сезиларли тараққиёт"нинг энг яхши тоифасига кирди. Ваҳоланки, Ўзбекистон 2011 йилда "болалар меҳнатига барҳам бериш бўйича давлат томонидан ҳеч қандай муҳим саъй-ҳаракатлар қабул қилинмаган" 4-тоифада эди. 2018 йилда эса АҚШ идораси қарорига кўра, Ўзбекистон "ўртача тараққиёт" билан 2-тоифага ўтказилганди.

Ҳисоботга кўра, бу йил 131 давлат ичида Ўзбекистон "сезиларли тараққиёт" мақомига сазовор бўлган 9 та мамлакат қаторидан жой олди. Баҳолаш мезонлари болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқловчи қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, шикоятларни кўриб чиқиш ва бундай ҳуқуқбузарликларни текширишнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва институционал механизмлари мавжудлигига, болалар меҳнатнинг энг оғир шаклларига жалб этилишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий дастурлар амалга оширилишига, шунингдек, ушбу йўналишдаги давлат сиёсатининг самарадорлигига асосланади.

Материалда таъкидланишича, республикага ушбу мақомнинг берилиши халқаро стандартларга тўла мос равишда "болаларни тижорат мақсадида жинсий эксплуатация қилиш" учун жиноий жавобгарлик белгиланиши ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши туфайли эришилди. Жиноят кодексида ҳам мажбурий ва болалар меҳнати учун жазо кучайтирилган. Ҳисоботда, шунингдек, 2021 — 2025 йилларга мўлжалланган муносиб меҳнат бўйича мамлакатнинг янги дастури имзолангани, ипак ишлаб чиқаришда болалар меҳнати билан боғлиқ шикоятлар баҳоланиши, болалар ва мажбурий меҳнатга қўйилган тақиқларнинг амалда татбиқ этилиши қайд қилинган.

Алоҳида таъкид шуки, 2022 йилнинг мартида "Cotton Campaign" халқаро коалицияси томонидан ўзбек пахтасига нисбатан бойкот бекор қилингани расман очиқланди.

Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, қисқа вақт ичида таъсирчан тараққиётга эриша олган давлатга айланмоқда. Ўзбекистоннинг тизимли мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам бериш бўйича эришган муваффақиятларини ҳисобга олиб, АҚШ Меҳнат вазирлиги ҳам "Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати"дан мамлакатимизда етиштирилган пахта ҳосилининг чиқарилишини эълон қилди. Ушбу қарор Ўзбекистонда етиштирилган пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотларни АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилади ва шу орқали маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари экспорти учун янги имкониятлар яратади. Бу қарор Ўзбекистон, ҳақиқатан ҳам, муҳим қадамлар қўйгани ва сезиларли муваффақиятларга эришгани билан боғлиқ.

Халқаро экспертлар эътироф этаётганидек, жорий йилда ҳукуматимиз пахта соҳасида тизимли мажбурий меҳнатга барҳам берди, пахта терими устидан давлат назоратига асосланган тизимни бекор қилди, ишчиларни ёллашда мажбурлаш усулларини қўллаганлик учун жазо чораларини кучайтирди. Тараққиётни инобатга олиб, халқаро ташкилотлар ўзбек пахтасини мажбурий меҳнат билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхатидан чиқарди. Ўзбек пахтасининг "қора рўйхат"дан чиқарилиши Президент Шавкат Мирзиёев иқтисодий ислоҳотларни олға сура бошлаган 2017 йилдан буён Ўзбекистон пахта саноатида юз берган жиддий ўзгаришлар билан боғлиқ, албатта.

Буларнинг барчаси — Президент Шавкат Мирзиёевнинг кучли сиёсий иродаси туфайли сўнгги беш йилликда амалга оширилган ислоҳотлар самараси, инсон қадрини улуғлаш, унинг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар эътирофидир. Бу — қишлоқ хўжалиги соҳаси тубдан модернизация қилиниб, унга бозор тамойиллари татбиқ этилгани, пахта йиғим-теримида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга буткул барҳам берилгани жаҳонда тан олинганининг ёрқин тасдиғидир.

Ислоҳотларнинг янги даври бўлмиш охирги беш йилликда пахтадан "сиёсий экин" туси том маънода олиб ташланди. Пахта далаларига сочилиб кетган миллат болалари эгатлардан қайтариб олинди. Уларнинг эгилган боши, тупроққа қоришиб кетган қадр-қиммати қайта тикланди. Пировардида мамлакат халқаро ҳамжамият олдида "болалар меҳнати", "аёлларни оғир ва хатарли меҳнатга жалб қилиш", "мажбурий меҳнат" деган таъна-дашномлар, таъбир жоиз бўлса, исноддан қутулиб, турли иқтисодий чекловлардан озод бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон "Cotton Campaign"нинг "қора рўйхати"дан чиқарилгани ҳақида тўхталар экан, жумладан, шундай деган эди: "Неча йиллардан бери манфаат қилмадик. Пахтамизнинг ранги оқ эди, лекин "қора" бўлиб юрди. Биз бунинг учун қанча қийналдик. Агар сиёсий ирода бўлмаганида шу нарсалар бўлармиди?".

Очиғини айтиш керак, 12 йил давомида амалда бўлган чекловни олиб ташлаш осон бўлгани йўқ. Негаки, яқину йироқдагилар янги Ўзбекистонда юз бераётган инқилобий ўзгаришларни, айниқса, пахтачиликдаги ижобий ўнгланишларни "ҳазм қилиши", эътироф этиши силлиқ кечмади.

Шу боис бу борадаги халқаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилоти, АҚШ Давлат департаменти ва Меҳнат вазирлиги, шунингдек, "Cotton Campaign" коалицияси билан ҳамкорликда одам савдоси, мажбурий меҳнатга қарши курашиш ва ишчилар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар режалари муваффақиятли амалга оширилди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда миллий қонунчилик такомиллаштирилиб, улар халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Аниқроғи, 2019 — 2021 йилларда 32 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди, Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро миграция ташкилотининг қатор конвенция ҳамда баённомалари ратификация этилди. Болалар меҳнатидан ва мажбурий меҳнатдан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик кучайтирилди. Шу тариқа пахта-тўқимачилик саноатининг бамисоли пешонасига босилган тамға олиб ташланди.

Маълумки, ўзбек пахтасига илк бор 2009 йилда бойкот эълон қилинган эди. Орадан бир йил ўтгач, "Cotton Campaign" коалициясининг ушбу чақириғига 60 дан ортиқ компаниялар қўшилди. 2022 йилга келиб эса ўзбек пахтасини бойкот қилган халқаро бренд ҳамда ритейлерлар сони 331 тага етди. Улар орасида "C&A", "Gap Inc.", "H&M", "Levi Strauss & Co.", "Tesco", "Walmart", "Nike", "Zara" каби дунё тўқимачилик бозорида етакчи бўлган йирик брендларнинг ҳам борлиги ўзбек пахта-тўқимачилик саноати ва унинг экспортига салбий таъсирини ўтказмай қолмади.

"Cotton Campaign" халқаро коалицияси вакилларининг бир овоздан айтишича, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалиги соҳаси, хусусан, пахтачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришнинг кластер усулига ўтилгани энг тўғри йўл бўлди. Бунинг натижасида болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Яна бир эътиборли томони, қулай агробизнес муҳити яратилиб, Ўзбекистонда замонавий жиҳозлар ва илғор технологиялар билан таъминланган йирик корхоналар пайдо бўлди. Уларда пахта толасини чуқур қайта ишлаш занжири яратилиб, барча жараённи кузатиш имконини берадиган шаффоф тизим юзага келди.

2016 йилда юртимизда етиштирилган пахта хомашёсининг 37 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ҳозирги пайтда Ўзбекистон ўз пахта толасини 100 фоиз қайта ишлаш қувватига эга бўлди. Бунинг эвазига хомашё экспорти батамом тўхтатилди. Аксинча, қайта ишланиб, қўшимча қийматга эга маҳсулот сифатида экспорт қилина бошланди. Бошқача айтганда, толани ўзимизда чуқур қайта ишлаш ҳажми ортиб, калава ип йигириш 2 баробар, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш 3 баробар ошди. Ўз навбатида, экспорт миқдори муттасил ортиб, 2021 йил якунлари бўйича 3,1 миллиард долларга етказилгани қувонарлидир.

Ҳисоб-китобларимизга кўра, Ўзбекистон биргина пахта толасини чуқур қайта ишлаш эвазига йиллик экспорт ҳажмини 50 миллиард долларга чиқариш салоҳиятига эга. Ва дастлабки марра — яқин 2-3 йил ичида экспортни 10 миллиард долларга етказишдир. Бунда Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси тизимида фаолият юритаётган 122 та пахта-тўқимачилик кластери драйвер вазифасини ўтайди.

Очиғи, яқин пайтларгача пахтадан ўзбек халқи рўшнолик кўрмади. Республикада "пахта иши", "ўзбеклар иши" деган катта "томоша"лар бўлиб ўтгани ҳамон ёдимизда. Ўшанда Ўзбекистонга Марказдан Гдлян ва Иванов бошчилигида бир гуруҳ терговчилар десанти туширилганди. Уларнинг ҳаракати билан "пахта иши" очилди ва дунёга "ўзбеклар иши" номи билан тарқалди. Қамақама, ур-сур бошланди. Қўшиб ёзиш, қаллоблик ва порахўрлик асосий айб ўлароқ текширилди. Ачинарлиси, айрим раҳбарлар ўзини отди, айримлари осди, қолганлари узоқ йилларга қамалди. Хуллас, гапираман деса, гап кўп. Лекин биз ҳозир у қора кунларни бутун тафсилоти билан бир бошдан эсламоқчи эмасмиз.

Пахта деб етиб келган жойимиз шу бўлдики, сариқ, камқонлик, рахит, гипотрофия (озиб-тўзиб кетиш), ичбуруғ каби сон-саноқсиз касалликлар болаларнинг маъсум дунёсига кўп бошли аждарҳодай бостириб кирди. Пахтага ишлатилган дорилар, унинг қора меҳнати ҳақида ёзишга ўша вақтларда ҳеч кимнинг ҳадди сиғмади. Далада заҳарланган, касаллик орттирган хотин-қизлар озми? Ҳеч жойга дардини айтолмай, касаллиги сабаби, даво йўлларини билмай оламдан ўтганлар қанча?..

Президент Шавкат Мирзиёевнинг саъй-ҳаракатлари билан нафақат болалар мажбурий меҳнатига, балки ўқитувчи ва шифокорларни оммавий равишда пахта далаларига ҳайдаш кампаниясига ҳам буткул чек қўйилди. Буни бутун дунё олқишлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аграр соҳага татбиқ этилаётган янги ғоялар, инновация ва "ноу-хау"лар аграр секторни саноатлаштириш, қишлоқ меҳнаткашларининг ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қилаётгани бор гап. Айниқса, пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти бунга мисол бўла олади. Президентнинг бевосита ғояси асосида амалиётга кластер тизими жорий этилиб, қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва чуқур қайта ишлашнинг "занжирли усули" яратилди.

АҚШ Меҳнат вазирлигининг мамлакатимизда етиштирилган пахта ҳосилини "Болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар рўйхати"дан чиқарилишини эълон қилиши пахта ва ундан тайёрланган Ўзбекистон маҳсулотларини АҚШга олиб киришга қўйилган расмий чекловларни бекор қилади ва шу орқали маҳаллий тўқимачилик маҳсулотлари экспорти учун янги имкониятлар яратади. Қолаверса, Ўзбекистоннинг пахта-тўқимачилик саноатида дунёнинг энг жозибадор мамлакатларидан бирига айланишига кенг йўл очиб беради. Бу эса тўқимачилик саноатида дунёдаги етакчи корхоналарнинг Ўзбекистон бозорига кириб келишига имкон яратади. Мамлакатда миллионлаб одамларга янги иш ўринларини яратишга, қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро стандартларни жорий этишга, тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт ҳажмини оширишга ҳамда соҳада халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Барчамизга аёнки, пахта хомашёси, ғўзанинг барглари, пояси, чаноқлари ва чигитидан 100 дан ортиқ маҳсулотлар тайёрланади. Экиндан чиқитсиз тўлиқ фойдаланилади. Жумладан, пахта инсонни кийинтиради. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат учун қимматли хомашёлар олинади ва саноатнинг бошқа кўплаб соҳалари — тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, автомобилсозлик, самолётсозлик, мой-бўёқ, қоғоз ишлаб чиқариш, тиббиёт, қурилиш, мебель саноати ва бошқа соҳалар ривожида муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, ўн икки йилдан ортиқ амал қилган бойкотнинг бекор қилиниши бу — Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ўзбекистоннинг тинчликсевар, халқпарвар сиёсатининг мазмун-моҳияти, унинг самарасидир. Айтмоқчи бўлганимиз, бир пайтлар турли рўйхатларга номи тиркалган юрт иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича жаҳоннинг манаман деган давлатлари қаторида турса, халқимиз эришаётган улкан марралар ўзимизни юксакликка кўтариб, ўзгаларнинг ҳавасу ҳайратини тортса, ғурур-ифтихор деганлари шу эмасми, аслида?!

**Шоҳрух МАЖИДОВ,**
**ХХРнинг Ченгшоу технология институти халқаро офис координатори.**

## Олий Мажлис Сенатида

### ФАРҒОНАДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ИШЛАРИ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА?

*Олий Мажлис Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси ҳамда Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.*

Унда сенаторлар, комиссия аъзолари, вазирлик ва идоралар, Фарғона вилояти ҳокимлиги вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мажлисда Фарғона вилоятида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида вилоят ҳокими ҳисоботи кўриб чиқилди. Шу юзасидан вилоят ҳокими ўринбосари И. Эргашевнинг маърузаси эшитилди.

Таъкидланганидек, вилоятда ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар миқдори йилига ўртача 50 фоизга, сўнгги икки йилда 100 фоизга ўсиб, бу борада республикада 2-ўринни эгаллаб турибди.

Вилоятда 2022 йил январь — август ойларида ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати 3,5 млрд. долларга етди.

Амалга оширилаётган ишлар натижасида вилоятнинг инвестициялар жалб этувчанлиги ҳам ортиб бормоқда. Дунёнинг нуфузли "S&P Global Rating" (АҚШ) халқаро рейтинг агентлиги томонидан вилоятнинг мустаҳкам молиявий индикаторлари ва юқори иқтисодий салоҳияти учун "B+", яъни "барқарор" даражасидаги кредит рейтинги берилган.

Жорий йил январь — август ойлари давомида вилоят делегацияларининг Туркия, Жанубий Корея, Россия, Эрон, Покистон, Германия, Австрия, Тожикистон давлатларига ташрифлари доирасида ҳудуднинг инвестициявий, экспорт, туризм салоҳияти тақдимотлари ўтказилган, 829 млн. долларлик 25 та инвестициявий келишувга ҳамда умумий қиймати 108,1 млн. доллар бўлган 27 та савдо шартномаси имзоланишига эришилган.

Вилоятда ҳар бир шаҳар ва туманнинг инвестициявий салоҳиятидан келиб чиқиб, унинг инвестициялар жалб этувчанлигини ёритиб берувчи махсус веб-саҳифалар ташкил этилмоқда. Масалан, Қўқон шаҳри ҳокимлиги томонидан www.investinkokand.uz веб-саҳифаси ишга туширилганлиги қайд этиб ўтилди.

Вилоятда ҳал қилиниши лозим бўлган бир нечта инвестиция лойиҳалари доирасидаги, хусусан, инфратузилма ва молиявий ресурслар таъминотидаги муаммолар кўрсатиб ўтилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Сенат ялпи мажлиси олдидан

### ҚОНУН ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ ВА КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРЛАРИ АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

*Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилишида парламент юқори палатасининг ўттиз учинчи ялпи мажлисида муҳокама қилиниши назарда тутилган масалалар, хусусан, "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон ёки жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахслар, жумладан, жамоат ва давлат арбоблари хотирасини абадийлаштириш мақсадида уларнинг номини географик объектларга бериш масалалари қонунчиликда аниқ тартибга солинмаганлиги сабабли амалиётда географик объектларга (кўча, маҳалла, майдон, боғ ва аҳоли пунктларининг бошқа таркибий қисмлари) шахс номини беришда турли муаммолар юзага келмоқда. Юқорида номи келтириб ўтилган қонун ана шу ҳаётий зарурат ва кенг жамоатчиликнинг таклиф ва фикр-мулоҳазалари асосида ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда аҳолининг фикрини ҳисобга олиш тартиби очиб берилмаган. Айни чоғда аҳоли пунктларининг таркибий қисмлари (маҳаллалар, шоҳкўчалар, кўчалар, майдонлар, боғлар, хиёбонлар)га Ўзбекистон ва жаҳон тарихида чуқур из қолдирган шахсларнинг исми-шарифини бериш тартиби аниқ белгиланмаган.

Қолаверса, бундай шахсларни аниқлаш мезонлари назарда тутилмаган ва шахслар исми-шарифини мавжуд географик объектларга беришга аниқ талаблар назарда тутилмаган. Ушбу ҳолатлар географик объектлар номлари қайта-қайта ўзгартирилишига сабаб бўлмоқда.

Қонунга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар юқорида қайд этилган муаммоларни бартараф қилишга қаратилган.

Қўмита мажлисида "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуннинг ер қаъри участкаларида олтин изловчилар усулида қимматбаҳо металларни қазиб олишга оид қисмининг Навоий вилоятида ижро этилиши ҳолатини ўрганиш якунлари ҳам муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, олиб борилган ўрганишлар натижасида ер қаъри участкаларида олтин изловчилар усулида қимматбаҳо металларни юридик ва жисмоний шахслар томонидан қазиб олишда одамлар хавфсизлигини таъминлашга етарлича эътибор қаратилмаётгани, амалдаги қонунчилик нормалари ижросини бажариш билан боғлиқ кўплаб муаммолар мавжудлиги аниқланди. Масалан, бу борадаги ишларни қонуний тарзда олиб бориш афзалликлари юзасидан тегишли ваколатли органлар томонидан тарғибот ишлари суст йўлга қўйилган. Қазиш ишлари учун лицензия олишда турли бюрократик тўсиқлар ҳам мавжуд. Оқибатда ноқонуний қазиб олиш ҳолати йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Энг ачинарлиси, Навоий вилоятидаги очиқ майдонларда қазиш ишлари жараёнида хавфсизлик талабига риоя этилмаганлиги сабабли 2021 йилнинг ўзида қарийб 10 нафардан ортиқ фуқаролар ис газидан заҳарланиши ёки қум ва тош босиб қолиши оқибатида вафот этган.

Жиноят кодексининг 190-моддаси бешинчи қисмида олтин ва қимматбаҳо металларни қазиб олишда лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш жуда кўп миқдорда даромад олиш билан боғлиқ бўлса, жиноий жавобгарликка тортилишга сабаб бўлиши кўрсатилган. Аммо таҳлиллар шуни кўрсатдики, амалиётда мазкур модданинг тегишли қисми билан мамлакат бўйича биронта ҳам жиноят иши судда кўрилмаган.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 702-моддаси билан қўлланиладиган жарима миқдори кам белгилангани ҳам мазкур йўналишдаги қонунбузилиш ҳолатлари ортишига туртки бермоқда.

Шунингдек, вилоятда тугатилган ва вақтинча тугатилган ташландиқ кон ва шахталарнинг аниқ ҳисоби мавжуд эмас. Камига Навоий кон-металлургия комбинати томонидан захирага олинган шахта ва карьерлар атрофи ўраб олиниб, қўриқланиши таъминланмаган.

Шулардан келиб чиқиб, тадбирда мазкур масалани Сенат ялпи мажлиси муҳокамасига киритиш учун қўмита томонидан парламент сўрови лойиҳасини тайёрлаш таклифи илгари сурилди.

### НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯСИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига пенсия тайинлаш тартибини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама қилинди.*

Қайд этилганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда аҳолини, айниқса, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, улар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ижтимоий адолат принципидан келиб чиқиб, моддий қўллаб-қувватлаш, турмуш ҳамда ҳаёт даражасини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахслар даромадини ошириш ҳамда меҳнатини муносиб қадрлаш, фуқароларнинг пенсия таъминоти бўйича қонун ҳужжатларини амалиётда қўллашда юзага келаётган турли ёндашувларнинг олдини олишдан иборат.

2023 йил 1 январдан бошлаб I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг пенсия тайинланганидан кейинги камида 1 йиллик иш стажи ва иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб, ҳар 2 йилда бир маротаба тайинланган пенсия қайта ҳисобланади ҳамда пенсия миқдорига қўшиб борилади.

Қонун қабул қилинса, 2023 йилда (1994 — 2022 йилларда иш стажига эга бўлган) 75 минг нафар ногиронлиги бўлган шахснинг пенсияларига ўртача 300 минг сўм қўшилади ҳамда келгусида меҳнат фаолиятини олиб борганларнинг (бугунги кунда 43 минг нафари расман банд) пенсияси ҳар 2 йилда (иш стажи ва ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб) бир маротаба қайта ҳисоблаб борилади.

Қонун билан ўгай ота-она, вафот этган ўгай фарзандини тарбиялаган даврини аниқлаш тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида алоҳида хизматлари бўлган шахсларнинг пенсияларига устамаларни тўлаш тартиби Ҳукумат томонидан белгиланиши кўзда тутилмоқда.

Таъкидланишича, бу қонуннинг қабул қилиниши амалиётда қўллашда юзага келаётган турли хил ёндашувларнинг олдини олиш, коррупциоген факторларни келтириб чиқарувчи ҳолатларга барҳам бериш, ижтимоий адолат тамойилидан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахслар даромадини оширишга хизмат қилади.

**«Халқ сўзи».**

Реклама

# TOSHKENT MOLIYA INSTITUTI

**2023-yilga quyidagi ixtisosliklar bo'yicha oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim institutiga qabul e'lon qiladi:**

| Ixtisosliklar shifri va nomi | Kvota miqdori: DSc | Kvota miqdori: PhD | Kvota miqdori: Maqsadli doktorantura |
|---|---|---|---|
| 08.00.01 — Iqtisodiyot nazariyasi | - | 1 | - |
| 08.00.06 — Ekonometrika va statistika | - | 1 | - |
| 08.00.07 — Moliya, pul muomalasi va kredit | 2 | 8 | - |
| 08.00.08 — Buxgalteriya hisobi, iqtisodiy tahlil va audit | 1 | 5 | 1 |
| 08.00.13 — Menejment | - | 1 | 1 |
| 08.00.14 — Iqtisodiyotda axborot tizimlari va texnologiyalari | - | 1 | - |
| Xotin-qizlar uchun maqsadli kvota* | - | 2 | - |
| **Jami** | **3** | **19** | **2** |

*O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 7-martdagi PF-87-son Farmoniga binoan.

Hujjatlar 2022-yilning 15-oktabrigacha qabul qilinadi.

**Talabgorlardan talab etiladigan hujjatlar:**

- ariza;
- ma'lumotnoma;
- mehnat daftarchasining nusxasi;
- oliy ma'lumot yoki fan nomzodi to'g'risidagi diplom nusxasi;
- ilmiy ishlar ro'yxati (kamida 1 ta maqola va 2 ta tezis nusxalari);
- ilmiy rahbar (maslahatchi)ning yozma roziligi;
- xorijiy tillarni bilish darajasini tasdiqlovchi sertifikat;
- ish joyidan tavsifnoma;
- pasport nusxasi;
- 6 ta fotosurat (3x4 sm. hajmda).

**Eslatma:** talabgorlar O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligi veb-saytida **(http://phd.mininnovation.uz)** ro'yxatdan o'tgandan so'ng, barcha hujjatlarni elektron (PDF) variantda taqdim etadi (qog'oz variantini barcha bosqichlardan muvaffaqiyatli o'tib, doktoranturaga yoki tayanch doktoranturaga qabul qilinganlar topshiradi).

**Manzil:** Toshkent shahri, Amir Temur shohko'chasi, 60-"A" uy, Toshkent moliya instituti, Ilmiy-tadqiqotlar, innovatsiyalar va ilmiy-pedagogik kadrlar tayyorlash bo'limi.

**Telefon:** 71-235-41-83 **E-mail:** bitp@tfi.uz

# САМАРҚАНД САММИТИ ДОВРУҒИ ҲАМОН АКС САДО БЕРМОҚДА

*„Самарқанд не-не замонлардан буён Қуёшга қараб жилва қилиб турган қанча-дан-қанча нурли чеҳралар аро энг офтобюзли соҳибжамолдир. Буюк Ипак йўлида, цивилизациялар чорраҳасида жойлашган ушбу улуғвор шаҳар IX асрдаёқ “Шарқ марвариди” деган ёрқин ном билан шарафланган и бежиз эмас.*

*Асрлар ўтишига қарамай, Самарқанд ҳали ҳам ўзининг бемисл ҳашаму маҳобати, ҳусну малоҳати ва хайру саховатини йўқотмаган. Ложувард гумбазлар таровати мовий осмон остидаги очиқ музей сифатида жаҳон аҳлини ҳануз мамнун ва маҳлиё этмоқда”.*



## Мушоҳада

Бу самимий эътироф асли келиб чиқиши ливанлик бўлган таниқли франциялик адиб, машҳур “Самарқанд” романи муаллифи, Самарқанд шаҳри фахрий фуқароси Амин Маалуфнинг дил изҳоридир. Аслида ҳам ушбу улуғ кентнинг тарихи бир олам, бугуни ва келажаги эса яна қанча достонларга мавзу бўлишга арзийди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, Самарқанд — миллий давлатчилигимиз ва умуман, жаҳон цивилизацияси тарихида алоҳида ўринга эга. Бу боқий шаҳар тарихимиздаги иккала Ренессанс даврининг юзага келиши ва ривожида муҳим роль ўйнаган.

Бу ҳақда фикр юритганда, хусусан, Самарқанд тарихининг тамал тоши бўлган кўҳна Афросиёб шаҳри харобаларидан топилган деворий суратларда ҳукмдор Вархуманнинг хорижий элчиларни қабул қилиш жараёни акс эттирилганини эсга олиш лозим. Биргина шу далилнинг ўзи ҳам азим Самарқанднинг азалий шон-шавкатидан ёрқин далолатдир.

Самарқанднинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган ҳиссаси истиқлол йилларида юртимизда муносиб баҳоланмоқда. Самарқанд шаҳри 1996 йили “Амир Темур” ордени билан тақдирланган, 2007 йили шаҳарнинг 2750 йиллиги кенг нишонланди. Шу тариқа бу ерда мунтазам равишда нуфузли миллий ва халқаро анжуманлар ўтказиш яхши анъанага айланди.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанднинг азалий шуҳратини тиклаш йўлида сўнгги йилларда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг ёрқин далили ўлароқ навқирон Самарқанд бағрида замонавий, улуғвор меъморий мажмуа —“Буюк Ипак йўли” халқаро туризм маркази қад ростлади.

Жорий йил 15-16 сентябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити худди шу муҳташам ҳамда замонавий мажмуада ўтказилгани ва унда нафақат бизнинг, балки барча иштирокчи давлатлар манфаатларига хизмат қиладиган тарихий ҳужжатлар имзоланганлигини яна бир бор таъкидлаш ортиқчалик қилмайди. Шу боис Самарқанд саммити довруғи бутун сайёрамиз бўйлаб ҳамон акс садо бермоқда.

Бунинг, албатта, бир қанча муҳим сабаблари бор.

Аввало, унда 14 та мамлакат етакчиси ҳамда БМТ ва ШҲТ халқаро тузилмалари раҳбарлари томонидан давлатлар, халқлар, бутун инсоният тақдири билан боғлиқ ташаббуслар, фикр ва таклифлар илгари сурилди. Шу маънода, Самарқанд саммитида янги дунё руҳига асос солинди.

Ўз навбатида, саммит арафасидаги концептуал мақоласи ва халқаро анжуман давомидаги нутқлар тимсолида Президент Шавкат Мирзиёев янги Буюк Ипак йўли ташаббускори ва асосчиси сифатида эътироф этилди.

Қолаверса, Ўзбекистон Президенти ШҲТ маконидаги умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббусини илгари сурди. Бундан мақсад, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, умумий келажагимизга бефарқ бўлмаган, ихтилофларга қарамасдан келишилган ёндашув ва қарорларни излашга тайёр, “Самарқанд руҳи” тамойилларига ҳамфикр бўлганларнинг барчасини глобал мулоқотга жалб қилишдир.

Шунингдек, мамлакатимиз етакчисининг саммитга тайёргарлик кўришдан то уни очиш, олиб бориш, якунлаш, Самарқанд декларациясини муҳокама этиш ва қабул қилиш, халқаро анжуманнинг олий даражадаги меҳмонлари билан юзма-юз учрашув ва ўзаро мулоқотларни уюштиришгача бўлган фаолиятининг барча босқичи юксак мақомда ташкил этилди.

Муҳими, Самарқанд саммити куз фасли дастлабки ойининг қоқ ўртасида бўлиб ўтди. Самарқанд замини азим пойтахтимизга нисбатан пахта далаларига бир қадар яқин эканига қарамай, ўқувчи ва талабалар, ўқитувчи ҳамда шифокорлар бир пайтларда бўлганидек кунларини пахтазорда ва тунларини шийпонларда дунёдан бехабар ҳолда ўтказмасдан, аксинча, бутун халқимиз Самарқанд саммити тафсилотларини иш жойларида, маърифат масканларида, хонадонларида кенг муҳокама қилдилар.

Бу нимадан далолат беради?

Бу, аввалambor, Ўзбекистонда аллақачон болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат барҳам топгани, одам савдоси каби иллатларга изчиллик билан барҳам берилгани мамлакатимиз барча соҳада ривожланган демократик давлатлар сафидан жой олиш сари дадил интилаётганининг яна бир ҳаётий ифодасидир.

Қолаверса, бу — пахтакорлик бугунги Ўзбекистон давлати ва халқи учун миллий ғурур белгиси эмаслигини англатади.

Аслида, эл-юртимизга ҳам, қардош халқлар ва бутун дунё аҳлига ҳам манфаати тегадиган, глобал муаммоларга мақбул ечимлар топишга қулай майдон бўлган Самарқанд саммитидек фойдали анжуманлар тимсолида, олис тарихимизда бўлганидек, дунёдаги барча эллар билан эллашиш, юртлар билан дўстлашиш — миллий ғууримиз кўркидир.

**Севара МАҲМУДОВА,**
**«Баркамол авлод» республика болалар мактаби директори,**
**Олий Мажлис Сенати ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.**







# ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ:

## САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР, ЮКСАК МАРРАЛАР, ЁРҚИН МАНЗИЛЛАР

*Пойтахтимизда энг йирик лойиҳалардан бири — ер усти метро қурилиши босқичма-босқич давом этмоқда. Иккинчи босқич “Қўйлиқ-қурувчилар” йўналишининг 7-бекатидан 12-бекатигача бўлган 8,5 километр узунликдаги оралиқда қурилиш ишлари жадал олиб борилаётир. Жумладан, ҳозирги вақтда 3 та бекат қурилиши якунланмоқда...*

*“Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлидир”. Буюк адиб Абдулла Қодирийнинг ушбу машҳур иборасини келтирмоқдан мурод шуки, бугун аҳолининг узоғини яқин, оғирини енгил қилишда энг хавфсиз, тезкор ва арзон транспорт воситаси — Тошкент метрополитени ҳақидаги мақолани метро тарихидан, унинг дастлабки фаолиятидан бошламоқни лозим топдик.*

*Тарихнинг гувоҳлик беришига кўра, Тошкент метросининг дастлабки поезди бундан 45 йил муқаддам ҳаракатлана бошлаган. Ўшандан буён “Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади, кейинги бекат...” деган сўзлар янграмоқда. Пойтахт аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишда метро ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугун эса метро йўловчиларнинг энг қулай транспорт воситаси эканини амалда намоён этмоқда.*

*Бу ҳақда “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонаси бош муҳандиси Абдутоҳир Абдуқодировнинг фикрлари билан қизиқдик.*

## Транспорт

**— Абдутоҳир Сатторович, пойдевори мустаҳкам иморат узоқ яшайди, деганларидек суҳбатимизни Тошкент метросининг дастлабки фаолияти, пойтахтга илк бор ер ости транспорт воситасининг кириб келиши билан боғлиқ тарихий воқеадан бошласак...**

— Жуда тўғри таъкидладингиз, ҳар қандай муваффақият ёки юксалиш ҳақида гап кетганда, унинг пойдевори мустаҳкамлигини назардан қочирмаслик лозим. Ўша пайтда Марказий Осиёда ягона ҳисобланган Тошкент метроси қурилиши 1972 йилда бошланган. Ва Чилонзор линиясининг биринчи босқичи 1977 йилнинг 6 ноябрида “Олмазор” бекатидан “Амир Темур хиёбони” бекатигача, “Чилонзор” электродепо комплекси ва алоқа уйи фойдаланишга топширилган.

Ана шу тарихий воқеага бу йил 45 йил тўлади. Иккинчи босқичда узунлиги 4,2 километр бўлган “Амир Темур хиёбони” бекатидан “Буюк Ипак йўли” бекатигача бўлган ер ости йўли 1980 йилнинг август ойида топширилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ушбу бекатлар ишга туширилгач, Чилонзор метро линиясининг қурилиши Жануби-Ғарбдан Шимоли-Шарққа шаҳар маркази орқали 12 бекат ва узунлиги 16,3 километр бўлган масофагача чўзилган.

Бу фаолият жадал давом эттирилиб, 1984 йилдан 1991 йилгача Ўзбекистон линиясида узунлиги 14,2 километр бўлган 11 та бекат қурилиб ишга туширилган. Шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 2001 йил октябрь ойида “Минг ўрик” бекатидан “Шаҳристон” бекатигача бўлган Юнусобод метро линиясининг 1-навбати, умумий узунлиги 7,15 километр бўлган 6 та бекатда қатнов йўлга қўйилган...

**— Президентимизнинг 2016 йил 7 ноябрдаги “Тошкент метрополитени Юнусобод линияси иккинчи босқичини қуриш” лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида бу ишлар янада жадаллашиб кетди, тўғрими?**

— Ҳа, 2016 йилда мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан метро қурилишини давом эттиришга қаратилган қатор қарорлар имзоланди. Сиз айтиб ўтган қарорга мувофиқ Юнусобод метро линиясининг 2,9 километр узунликдаги иккита — “Туркистон” ва “Юнусобод” бекатлари қурилиши бошланиб, 2020 йилнинг август ойида фойдаланишга топширилди. Ҳозирги вақтда Юнусобод линиясининг умумий узунлиги 9,5 километр бўлиб, 8-бекат билан бир хил номдаги йирик тураржой даҳасини шаҳар маркази билан боғлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 ноябрдаги “Тошкент метрополитени Сергели йўналиши қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2020 йилнинг декабрь ойида 6 километр узунликдаги янги Сергели метро линиясининг 5 та станцияси қурилди ва фойдаланишга топширилди. Айтиш жоизки, Сергели ҳудуди ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг барча туманларига уланган йирик тураржой даҳасидир.

Ҳозирги кунда Тошкент метросининг умумий узунлиги 59 километрдан ортиқ бўлиб, 43 станция фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, Чилонзор йўналиши: 12 та станция — 16,3 километр, Ўзбекистон йўналиши: 11 та станция — 14,2 километр, Юнусобод йўналиши: 8 та станция — 9,5 километр, ҳалқа ер усти линияси: 7 та станция — 11,5 километр, Сергели йўналиши: 5 та станция — 7 километрдан иборат. Янги станциялар фойдаланишга топширилгунга қадар ўртача кунлик йўловчи ташиш ҳажми 250 минг нафарни ташкил этган бўлса, янги бекатлар очилиши билан ўртача кунлик йўловчи ташиш ҳажми 450 — 480 минг нафарга кўпайди.

**— 2017 йил 19 майда “Тошкент шаҳрида ер усти ҳалқа метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори эълон қилинганидан сўнг пойтахтимизда илк бор ер усти метро линияси барпо этила бошланди. Шу йўналишда олиб борилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Тошкент ер усти ҳалқа метро линиясининг 1-босқичи бўлган “Дўстлик — Қўйлиқ” участкаси ҳамда Тошкент метрополитенининг ер усти Сергели ва Юнусобод йўналишининг ер ости 2-босқичи қурилиб, ҳозирги кунда аҳоли ундан фойдаланмоқда. Аҳамиятлиси, ушбу йирик ва самарали лойиҳалар халқимиз синовидан муваффақиятли ўтмоқда. 2020 йилнинг декабрь ойида ер усти метро линиясининг 2-босқичида қурилиш ишлари бошланган эди. Айни пайтда ушбу участка ҳудудларида янги лойиҳа бўйича қурилиш ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда.

Жорий йилда Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент метрополитени ер усти ҳалқа йўли йўналишининг фаолияти билан танишганидан сўнг, ушбу йўналишнинг 2-босқичи сифатида қурилаётган “Қўйлиқ” метро бекатидан 5-бекатга (Сергели йўли) қадар бўлган метро йўли ва бекатларининг қурилиш-монтаж ҳамда ташқи электр таъминоти ишларини бажариш учун умумий ҳисобда 54 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилиши белгиланди.

Ер усти метросининг қарийб 12 километрлик бу қисмида 7 та бекат барпо бўлади. Улар орасидаги қатнов вақти 13 дақиқани ташкил этади. Мазкур йўналиш бир кунда 40 мингга яқин йўловчиларга хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлиб, натижада шахсий транспортларга эҳтиёж камайиб, тирбандлик бартараф этилади. Хусусан, Қўйлиқ — Сергели йўналишида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 32 мингтагача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайиши мумкин. Тошкент ер усти ҳалқа метро йўлининг 2-босқичи Қўйлиқ бозоридан Миробод ҳамда Сергели туманидан ўтган Тошкент катта ҳалқа йўли, Зангиота туманидаги Хонобод кўчаси ҳамда Сергели туманининг Қипчоқ кўчасидан ўтиб, Сергели линиясининг 5-бекатига уланади.

**— Тошкент метрополитенида етук мутахассис ва хизматчиларга эҳтиёж катта. Шундай экан, бугунги кунда улар сафи кенгайиб боряптими? Янги йўналишлар очилиши ҳисобига янги иш ўринлари яратиляптими? Жорий йилда нечта ёш мутахассис ишга олинди?**

— “Тошкент метрополитени” ДУКда жами 5 мингга яқин ишчи-ходимлар фаолият юритади. Йил бошидан ҳозирги вақтга қадар 534 нафар ходим ишга қабул қилинди. Шулардан 336 нафари ёш мутахассис бўлса, улардан 135 нафари олий маълумотга эга. Тошкент метрополитенида самарали фаолият олиб бораётган 90 нафар ходимга ўз мутахассислиги бўйича олий таълим муассасасининг сиртқи ўқиш шаклида таълим олиш имконияти яратилди. Шунингдек, 2022 йилда Тошкент давлат транспорт университетини тамомлаган 116 нафар битирувчига “Тошкент метрополитени” ДУКга ишга кириш учун йўлланма берилган.

Қайд этиш лозимки, “Тошкент метрополитени” ДУКда фаолият олиб бораётган ходимларнинг аксарият қисми юртимиздаги транспорт ва техника йўналишидаги олий таълим муассасаларини тамомлаган. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги “Ўзининг темир йўлларига эга бўлган юридик шахсларнинг темир йўл транспорти ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази”да ходимлар тажрибаси оширилмоқда. Бундан ташқари, ишга қабул қилинувчи ходимларнинг бу борадаги билимларини кенгайтириш, уларни бир соҳага йўналтириш ва кадрлар салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида Тошкент давлат транспорт университетида “Метрополитен транспорт муҳандислиги” йўналиши очилиши режалаштирилган.

**— Айтинг-чи, Тошкент метрополитенида йўловчилар учун янги қулайликлар яратиш бўйича қандай инновацион ғоялар устида иш олиб борилмоқда?**

— Такрор бўлса-да таъкидлаш жоизки, умумий узунлиги 59 километрни ташкил этувчи Тошкент метрополитени айни вақтда ўрта ҳисобда 450 — 480 минг йўловчига тез, сифатли ва қулай тарзда хизмат кўрсатиб келмоқда. Ва айни шу кўрсаткичлар билан у Ўрта Осиё давлатларида 1-ўринда, МДҲ давлатлари орасида эса 4-ўринда туради. Амалга оширилаётган кенг кўламдаги қурилиш ишлари натижасида Тошкент метро йўлларининг умумий узунлиги 70 километрдан оширилиши режалаштирилган. Ушбу ишларнинг самараси ўлароқ, Тошкент метрополитени МДҲ давлатлари рейтингида 3-поғонага кўтарилиши мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда аҳолига метро хусусидаги маълумотларни интернет тармоғи орқали тезкор етказиш учун “Тошкент метрополитени” ДУКнинг расмий веб-сайти очилиб, виртуал туризмни ривожлантириш учун 3D тур яратилди. Шунингдек, метро йўловчиларига яратилган қулайликларни янада кўпайтириш мақсадида “Тошкент метрополитени” ДУК “Автоматлаштирилган транспорт тўлов тизими оператори” МЧЖ (АТТО) билан ҳамкорликда виртуал тўлов картаси иловасини яратиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Яратилиши режалаштирилаётган қулайликлардан яна бири бекатларга кириб келувчи поезд вагонларининг қай даражада тирбанд эканлиги хусусида маълумот берувчи таблоларни ўрнатишдир. Бу борада ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда.

**— Тошкент метрополитени энг хавфсиз, экологик тоза ва тезкор транспорт воситаси ҳисобланади. Аммо баъзан поезд тезлигини оширганда шовқин пайдо бўлиши, гоҳида эса бекатларда белгиланганидан ортиқча кутиб қолишга тўғри келаётганини қандай изоҳлайсиз?**

— Шовқинларни камайтириш мақсадида қулай метро ҳаракат таркибларини харид қилиш ва бунинг натижасида эски вагонларни босқичма-босқич ҳаракатдан чиқариш режалаштирилган. Айни пайтда “Тошкент метрополитени” ДУК томонидан йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида умумий сони 15 тани ташкил қилувчи замонавий ҳаракат таркиби харид қилиниб, йўловчиларга хизмат кўрсатмоқда. 2022 йил якунига қадар Россия Федерациясининг “Метровагонмаш” АЖ томонидан ишлаб чиқарилган замонавий услубдаги 14 та вагон харид қилиниши режалаштирилган.

“Тошкент метрополитени” ДУК поездлар ҳаракатининг оралиқ интервали кундузги ҳамда кечки тиғиз вақтларда Чилонзор йўналишида 3-4 дақиқа, Ўзбекистон йўналишида эса 4-5 дақиқа, Юнусобод йўналишида эса 7 дақиқа қилиб белгиланган. Янги вагонлар харид қилиниб, фойдаланишга топширилганидан сўнг бу кўрсаткичлар яна 1-2 дақиқага қисқариши мумкин...

**— Назаримизда, тўловнинг жетондан қоғозга ўтилгани тирбандликка сабаб бўлаётгандай. Чунки қоғоз чипта бир марта ишлатилгани боис кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Айтинг-чи, қоғоз чиптадан қачон воз кечилиб, бошқача бир қулай тартиб жорий этилади?**

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 25 ноябрдаги “Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташишда йўлкира ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 январдан Тошкент шаҳар жамоат транспортларида автоматлаштирилган тўлов тизими йўлга қўйилди. Айни вақтда эса бекатларда тўловни амалга оширишда бир марталик QR-кодли тўлов чеки, транспорт картаси, имтиёзли тўлов карталари, банк карталари, мобиль қурилмалар ва шу каби NFC тизими орқали тўғридан-тўғри тўловни амалга ошириш йўлга қўйилган.

Таъкидлаш лозимки, автоматлаштирилган тўлов тизимининг қулайликларидан бири — ҳар уч дақиқада йўловчилар оқими хусусида маълумотлар янгиланиб туришидир. Айни шу кўрсаткичларга биноан поездлар ҳаракат жадвали ва йўловчилар статистикаси тўғри шакллантирилиб, доимий тарзда назорат қилинади.

Бир марталик QR-кодли тўлов чекидан ҳозирги вақтга келиб метро хизматидан фойдаланувчи йўловчиларнинг деярли 51 фоизи фойдаланмоқда. Метрополитендан доимий тарзда фойдаланувчи йўловчилар эса бир неча турдаги карталардан тўловни амалга оширмоқда. Шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу транспорт карталари ҳисобини ҳеч қандай навбатларсиз, масофадан туриб тўлдириш имконияти ҳам мавжуд. Шунингдек, метро хизматидан доимий фойдаланувчи йўловчилар тўловни мавжуд карталар ёрдамида амалга ошириши натижасида вақтни тежаши ва кассалар олдидаги навбатларни камайтиришлари мумкин.

**— Суҳбат сўнгида метро қурилиши истиқболлари ҳақида фикрлашсак, яъни ушбу транспорт тури билан пойтахтнинг ҳамма туманлари қамраб олинадими? Қолаверса, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш бўйича қандай ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган?**

— Эътибор берилса, метронинг ҳар бир бекати кўркам бир манзилни эслатади. Миллий нақшлар уйғунлигида яратилган композициялар киши дилини яйратади. Умуман, шинам, ораста, баҳаво ва чиройли бекатлар метрополитен кўркига кўрк қўшиб турибди.

Энди истиқболдаги режаларимиз ҳақида айтадиган бўлсам, 17 километр узунликдаги 9 та бекатдан иборат “Янги ҳаёт” даҳасига қадар ҳалқа ер усти линиясининг иккинчи босқичи қурилиши давом эттирилади. Чилонзор йўлининг “Буюк Ипак йўли” бекатидан “Тошкент трактор заводи” бекатигача 8,2 километр узунликда 4 та бекат барпо этилади. Бундан ташқари, “Беруний” бекатидан Ўзбекистон метро йўлининг “Қорақамиш” тураржой даҳасигача узунлиги 3,2 километр бўлган иккита бекат қурилади.

Суҳбатимиз якунида шуни мамнуният билан айтишни истар эдимки, Тошкент метрополитени йўловчи транспортининг узвий бир қисмига айланиб улгурди. Эндиликда бу тизим халқимизнинг узоғини яқин қилиш баробарида, юрт истиқболи ва равнақининг тимсолига айланди.

Вақт бир жойда тўхтаб турмайди. Таъбир жоиз бўлса, халқимиз қалбида фахр-ифтихор ҳисларини уйғотаётган бу эзгулик карвони бизни янги Ўзбекистоннинг ёрқин манзиллари сари элтади, десак, муболаға бўлмайди. “Тошкент метрополитени” давлат унитар корхонасининг катта жамоаси бундан буён ҳам хавфсиз, барқарор ва қулай ташувларни таъминлаш учун барча саъй-ҳаракатларни ишга солади.

**Фахриддин БОЗОРОВ**
**(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 14 460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.35 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6